

# Саудия Арабистонида Қуръони каримни ўқиш ва азон чақириниш бўйича халқаро танлов бўлиб ўтмоқда



05:30 / 26.06.2019 2688

Саудия Арабистони Фаровонлик бош бошқармаси Қуръони карим ва азоннинг энг яхши тиловати танловининг биринчи босқичида 162 та мамлакатдан 13 минг вакил иштирок этганини маълум қилди. Ал-Рияд газетасининг хабар беришича, танловга қатнашиш ҳақида 2019 йил 22 май куни эълон берилган эди. Шу кунгача 162 мамлакатдан 13 минг киши қатнашган ва танловнинг биринчи босқичи 22 июлгача давом этади. Мазкур босқичда иштирок этмоқчи бўлганлар ўзларининг Қуръони карим тиловати ва азон ўқишлари файлини [quranathanawards.com](http://quranathanawards.com) сайтига юбориб, араб ва инглиз тилларида батафсил жавоб олишлари мумкин.

Танловнинг иккинчи босқичи 24 июлдан 23 августгача бўлиб ўтади. Шундан сўнг навбатдаги босқичга ўтган номзодлар 24 августдан 24 сентябргача ҳакамлар олдида тиловат қиладилар. Танловнинг финал босқичи эса 25 сентябрдан 25 октябргача бўлиб ўтади. Танлов ғолиблари мукофотининг умумий қиймати 12 млн риал (3.2 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этмоқда.

Танлов қўмитасининг маълум қилишича, тадбирни ташкил этишдан мақсад ислом маданиятини дунёга кўрсатиш, ёш ислом авлоди Қуръони каримнинг чиройли тиловат қилиш ва улар орасидан энг иқтидорли Қуръон ҳофизларини кашф этишдан иборатдир.

